



ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УОШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 20 сентябр, чоршанба №138 (970)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЁШ РАССОМ КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон тасвирий санъатини тарғиб этишда пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган Хиндистон маданий марказининг ҳиссаси катта бўлмоқда. Марказ Ўзбекистон Бадий академияси билан ҳамкорликда устоз мўйқалам усталари билан бир қаторда ёш умидли рассомларнинг кўرғазмаларини тез-тез ўтказиб турибди. Кунги кеча бу ерда тошкентлик иқтидорли рассом Владимир Кимнинг шахсий кўрғазмаси очилди. Кўрғазмада унинг шу йил яратилган ва асосан натюрморт жанрига оид ўттизга яқин асари намойиш этилмоқда.

Кўрғазма очилишида сўзга чиққан таниқли ижодкорлар, санъатшунос олимлар ёш рассом асарларидаги ўзига хос жиҳатлар ҳақида гапирар эканлар, унинг юртимизда, Жанубий Корея ва Германияда бир неча бор намойиш этилган шахсий кўрғазмалари муҳлисларда катта қизиқиш уйғотганини таъкидладилар.


(ЎзА).

Меҳнат ардоқлаган кишилар



САРИОСИЁ ЗАМИНИ САХОВАТИ

Уфққа туташган кенг пахтазор. Чаноғидан тошиб лўппилўппи очилган пахталарни кўриб дил қувнайди. Дехқонлар, ҳашарчилар кўтаринки руҳ билан меҳнат қилишмоқда. Сариосиёликлар мард, санъатчи, ҳар қандай шароитда ҳам мўл ҳосил етиштириш оладиган инсонлардир. Қаранг, ярамас терристорчилар она заминимиз сарҳадларига суқулиб киришга интилган кунларда ҳам улар матонат ва ташаббус кўрсатиб ишладилар. Т. Хидиров номили ширкат уюшмаси аъзолари эса бағоят қисқа муддатда 360 ўринли янги мактабни қуриб ишга туширдилар. Илм масканида иқтидорли, қалбда Ватан ишқи жўш урган ёшлар таълим-тарбия олишмоқда.



Улар чет тилларни, замонавий компьютерларни ихлос билан ўрганмоқдалар. Машхур «Дашнобод» анорзорларидамиз. Ҳосил чўғини кўриб миришкор меҳнатига тасаннолар айтасиз. Туман ҳокимининг ўринбосари Ҳ. Муҳаммадиевнинг таъкидлашича, анорзорлар оилавий пудратга бўлинган. Мулк эгасини топтач боғлар, экинзорлар росмана яшнади. Ҳосил кутилгандан эиёда бўлди. Бу йил гектаридан 150—200 центнердан сарғил анор олишмоқчи. — Беш ярим гектар еримиз бор, — дейди пудратчи Вали ота Давлатов. — Ҳарна қилса ўзимизники-да, бола-чакамиз билан сидқидилдан ишляямиз. Даромад ҳам шунга яраша. Кишлоғимизнинг аксарият кишилари ўзла-

МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ

Тошкентда «Нефтга бой ер қатламларини аниқлашнинг геодинамик асослари» мавзусида илмий-амалий анжуман ўз ишнини бошлади. Унда Ўзбекистон, Россия, Қирғизистондаги илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш муассасалари, «ЭКСОН-МОБИЛ» (АҚШ), «Петроел», «ЎзГПЕК» (Буюк Британия) компанияларининг мутахассислари иштирок этмоқда. Анжуман «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси томонидан Фан ва техника давлат қўмитаси ёрдамида ташкил этилди ҳамда Нефт ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти очиқ турдаги акциядорлик жамияти базасида ўтказилмоқда.

Анжуманда ер ости жараёнларининг нефт ва газ ҳосил бўлишига таъсири, унинг санъат захираларини шакллантириш, сақлаш ва жойлаштириш масалалари муҳокама этилади. Унда Ўзбекистоннинг нефт-газ соҳасидаги салоҳиятини кўриб чиқиш масаласига катта ўрин берилди. Мамлакатимиз олимлари ва амалиётчилари эришган натижалар нефт ва газ бўйича геологик қидирув ишларини янада ривожлантиришга асос бўлади, республиканинг инвестицион жозибдорлигини оширади. Ер остида содир бўлаётган жараёнларни геодинамика таъминлари асосида ўрганиш Ус-

турт, Бухоро-Хива, Фарғона, Жануби-Фарбий-Ҳисор ва Сурхондарё ҳудудларида нефт ва газ бойлигини аниқлаш бўйича янги аниқ натижаларга эришиш имконини берди.

Анжуман иштирокчилари ишлаб чиқилган усуллар қидирув-разведка ишларида етарлича қўлланилмаётгани ва геологик тадқиқотлар амалиётга суств жорий этилаётганини қайд этишди. Мутахассислар Тошкент учрашуви нефт ва газни қидириш ҳамда қазиб олиш самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи янги ғояларни шакллантиришга ишонч билдирди.

(ЎзА).

Ислоҳот инсон учун

«ЯНГИ ҲАЁТ»НИНГ ДАДИЛ ОДИМИ

Эрталаб соат ўндан ўтганда кун киздира бошлади. Қилт этган шамол йўқ. Шунга қарамай пахта йигим-терими кечикмасин, деган ташвишда миришкор даласига эрта тонгданок етиб келган.

Идорага кирдик. Раҳбар ва мутахассислардан ҳеч ким йўқ. Фақат биргина навбатчи нималарнидир ёзиб, телефонда сўраганларга жавоб бериб турибди.

— Менимча газчилар олдида бўлса керак, — деди у. — Тонгда дала-ларни бир айланб, кейин ишчилар олдига кетганди. Демак, раис ҳўжаликда экан, эҳтимол йўлда уни учратармиш, йўқса бекор тургандан кўра қилинаётган ишлар билан танишайлик деган йўлда «Янги ҳаёт» ширкат ҳўжалиги ҳудудидаги маҳаллаларни айлан-нишга қарор қилдик.

Навбатчи тўғри айтган экан. Биринчи кўчага киришимиздаёқ Кўчқор акага дуч келдик. Газчилар билан нималарнидир гаплашиб турган экан. Бизни кўриб йўлимизга пешвоз чиқди.

— Ҳаракатлар зўр-ку! — дедик.

— Астойдил меҳнат қилгандан кейин унинг ҳузурини ҳам кўриш керак-да, — кулди раис. — Яқин кунларда 243 хонадонда газ ёнади. Уй беккалари овқатни газ ўчоқда пишириб энди ўтин, кўмир ташвишини қилишмайди. Дехқончиликни ривожлантирармиз, деб замон талаблари асосида иш юридаямиз. Илгор тахрибаларни амалда қўллаяпмиз. Ер эгалари ихтиёрига берилган. Яхши ишлаган кўп даромад оладиган давр келди, деб дехқон кам харажат сарфлаб мўл ҳосил олишга интиляпти. Шунинг натижасида ҳўжалигимиз ҳисобига мўмайгина пул тушяпти. Унинг маълум қисмини аҳолини ижтимоий химоялаш, ободончилик ишларига сарфляяпмиз. Яна десангиз, 400 хонадонга телефон сими тортилди. Ҳўжаликда истиқомат қилувчилар ичимлик суви билан тўла таъминланди.

Дароқе, «Янги ҳаёт»

Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

БЕЧОРАҲОЛ ШИФО МАСКАНИ

Кўшработ замини ниҳоятда бой. Хусусан, бу ердаги шифобахш сувнинг баҳоси йўқ. Мутахассисларнинг таъкидлашларича унинг таркибида калий, натрий, кальций, мағний, темир каби ноёб моддалар бор. Обиҳаёт айниқса асаб, ошқозон-ичак, жигар касалликларига энг яхши даво. Буни ҳисобга олиб 1993 йилда ушбу маскандан Кўшоғоч суви билан даволоччи сихатгоҳ қурилиши бошланган эди. Дастлаб ишлар анча яхши кетди. Асосий бинолар қад ростлади. Бироқ вақт ўтиши билан муҳим масалага эътибор сувайиб кетди. Аниқроғи, мутахассислар томонидан режада белгиланган маблаг вақтида ажратилмади. Кейинчалик сихатгоҳ қурилишини унутиб ҳам қўйишди. Энди чала қолган бинолар ёгингарчиликлар таъсирида емирилиб бормоқда. Бир нар-

М. УБАЙДУЛЛАЕВ, Самарқанд Давлат меъморчилик ва қурилиш институти доценти.

ОИЛАВИЙ ПУДРАТ ШАРОФАТИ

Избоскан тумани дехқонлари жорий йилда мўл пахта ҳосили етиштиришди. Бу ерда асосан, синовдан ўтган «Фарғона-3», «Армуғон», «Оқдарё» навлари экилди. Аниқ ҳисоб-китоб, астойдил қилинган меҳнат туфайли пахтазорлар тайёрлов пунктларига 28 минг 500 тонна «оқ олтин» топширишга муваффақ бўлди. Умумий хирмонга гектаридан 45-50 центнердан пахта ҳосили олган «Шарқ юлдузи», «Ўзбекистон», «Гуркиров», З.Бобур, А.Тиллабоев номидаги ширкат ҳўжаликлари муносиб ҳисса қўшди. — Оилавий пудратдан фойдаланиш - муваффақиятимиз гаровидир, — дейди Избоскан туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Машрабқон Позилов. — Бу услуб дехқонларга маъқул келди. Масалан, «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалиги пудратчиси Урмонжон Полвонов 10 гектар ерда пахта етиштирди. Ҳўзани жонқуярлик билан парвариш қилиш ва ўз вақтида агротехник тадбирларнинг ўтказилиши гектаридан 50 центнердан юқори сифатли пахта олишга имкон берди.

Ўзбекистон Республикаси травматология ва ортопедия илмий-тадқиқот институтида спорт травматологияси махсус маркази очилди. Марказда барча шарт-шароитлар яратилган ўн икки ўринли хона мавжуд. Шунингдек, бу ерда янги рентген қурилмаси, барокамера, замонавий жиҳозланган операция хонаси, тикланиш хонаси ва бошқа хоналар бор. Катта спорт, маълум мазнода, хавф-хатар билан боғлиқ бўлиб, шикастлини ҳоллари ҳам учраб туради. Марказ пайдо бўлган, шубҳасиз, спорт

ЭНГ ЯХШИЛАРДАН БИРИ

шифокорлари ҳам кўпаяди. Бу ерда ишляётган мутахассислар жаҳондаги энг яхши марказлардан бири - Москва марказида тайёргарликдан ўтишган. Эндилқда жараҳат олган спортчиларимизни давланиш учун чет элга юбориш шарт эмас. Уларни жараҳати эки кассаллиқдан қатъий назар Тошкентда, тезкорлик билан даволашди. — Натижада кўпгина валюта маблағлари мамлакатимизда қолади ва спортни ривож-

лантиришга сарфланади, — дейди марказ раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди Темура Исқандоров. — Бундан ташқари, яқин келажақда биз қўшни давлатлардан ҳам даволаш учун спортчиларни қабул қила оламиз, деб умид қиламан.

Зеро бундай марказ - жаҳонда еттинчи ва МДҲда иккинчидир. Марказнинг ташкил этилиши Ўзбекистоннинг дунёдаги етакчи спорт давлатлари сафидан ўрин олаётганидан далолат беради.

Олимпиада шубҳасиз энг қадимий мусобақадир. Тарихий солномаларда қайд этилган дастлабки олимпиада мусобақалари эрамиздан аввалги 776 йилда бўлиб ўтган. Замонавий кўринишдаги олимпиада ўйинлари эса илк бор 1896 йили Греция пойтахти Афинада ўтказилди. Вақт ўтиши билан олимпиада мусобақалари таркиби ҳамда унда иштирок этувчилар сафи кенгайиб борди. Шунингдек, натижа ва кўрсаткичлар ҳам яхшиланди. Масалан, Афинада ўтган дастлабки ўйинларда спортчилар кирк учта медаллар жамланмаси учун курашган бўлса, Сидней-2000 мусобақаларида уч юз жам медал учун кизгин кураш кетмоқда.

Бугунги кунга келиб, олимпиадада қатнашиш спортчи учун энг олий оруз бўлиб қолди. Бу ўйинларда ҳар бир терма жамоа эришган натижа ўша мамлакатда спорт қай даражада ривожланганини, унга бўлган эътибор қандайлигини намойиш қилади. Айнан олимпиада мусобақаларида спортчиларнинг маҳорати, тўплаган тажрибаси, тинимсиз машғулотлари самарасини дунёвий микёсда намойиш этиш имкониятини беради. Шунинг учун ҳам кўпалаб спортчилар жаҳон чемпиони бўлишдан кўра, олимпиадаларда ғалаба қозонишни оруз қилади. Сир эмаски, олимпиадада ҳар қандай спортчи ҳам қатнашармайди. Мусобақага йўланмани қўлга киритиш учун маълум кўрсат-

бошдан бошлаш керак эди. Аввал, 1992 йил 21 январ кунин Миллий олимпия қўмитаси (МОК) ташкил этилди. Бироз вақт ўтгандан кейин МОК Халқаро олимпия қўмитаси ва Миллий олимпия қўмиталари уюшмасига аъзо бўлди. Энг аҳамиятлиси шундаки, мамлакатимизда спортни янада ривожлантириш ҳукумат томонидан мунтазам равишда қўллаб-қув-

ватланиб келмоқда. Натижада Ўзбекистон нафақат Осиё, балки жаҳон спортда ҳам ўз ўрнига эга бўлди. Мамлакатимиз мустақил терма жамоасининг ёзги олимпиададаги илк иштироки 1996 йилга тўғри келади. АҚШнинг Атланта шаҳрида ўтказилган мусобақаларда юртимиздан 76 нафар спортчи борган эди. Улардан Армен Багдасаров дуюд бўйича кумуш медал соҳиби бўлган эса, боксчимиз Карим Тўлаганов учинчи ўрин билан қийовланган. Лекин бу медаллар ўзбекистонликлар олимпиадада қўлга киритган биринчи соҳибдорлар эмас. 1994 йили Норвегиянинг Лиллехаммер

шаҳрида ўтказилган қишки ўйинларда етти нафар ўзбекистонлик қатнашган. Шу ерда фристайл бўйича икки қарра жаҳон кубоги соҳибаси Лина Черязова мустақил Ўзбекистонга олтин медал тақдим этди. Ҳўшанда «қўёшли ўлка»дан келган бу спортчи маҳоратига барчата берди. Бундан ташқари, вакилларимиз Японияда ўтказилган «Нагано-98»

қишки олимпиада ўйинларида ҳам иштирок этди. Айни пайтда етмиш етти сара спортчидан иборат терма жамоамиз Австралиядан ўн учта спорт тури бўйича ватанимиз шаънини химоя қилляпти. «Сидней-2000» бизга ҳар қачонгидан кўра кўпроқ медал бериши лозим. Чунки ўтган олимпиадаларда тўплаган тажрибалар асосида бу галги тайёргарлик машғулотлари ўзгача бўлди. Тўғри, шундай спорт турлари борки, ўзини «уста мамлакатлари»га эга. Мухлиси мутахассислар бу борада уларнинг олдида тушадиган бошқа мамлакат вакилини кутмайди, балки «усталар» қатор рекордлар-

ни янгилай оладими, деган саволга жавоб қутади. «Яшил қитъа»га жўнаб кетган делегациямиз сафида энг кўп ўринини енгил атлетикачилар эгаллаган. Ҳўтизга яқин енгил атлетикачимиз сафида Осиёдаги биринчиликлар ҳамда бошқа халқаро мусобақалар соҳибдорлари бор.

Мутахассисларимиз трамполин мусобақаларида Ўзбекистон шарафини химоя қилаётган жаҳон чемпиони Екатерина Хилькога катта ишонч билдирмоқда. Олимпиада йўланмасини қўлга киритган юнон-рум курашчиларимиз ҳам Осиёда етакчилардан ҳисобланади. Бундан ташқари, миллионлаб муҳлислар оғир атлетикачиларимиз, хусусан, Игор Халиловга катта умид борлашган. Лекин, барибир биз ишончимизни кўпроқ боксчилар ва дуюдчиларимизга боғляймиз. Чунки Ўзбекистон бокс бўйича етакчи мамлакатлар сафида туради. Хорижий мутахассислар ҳам ўзбек боксчилари Куба, АҚШ, Россия спортчилари қаторида олимпиада медал-

ларига асосий даъвогарлардан бири, деб эътироф этиляпти. Ҳў икки вазн бўйича ҳамма олтин медални олиб кетишга шайланаётган кубаликлар олдин Мухаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаевдек полвонларимиз билан ҳисоблашиш лозим. Айниқса, кубаликлар, қолаверса, бутун жаҳон тенгсиз боксчи, деб тан олган Феликс Савон ўздан анча ёш бўлган Руслан Чагаевдан икки бор «калтак егани»ни унутмаган бўлса керак. Бундан ташқари, қолган боксчиларимиз ҳам ўз вазнларида етакчи ҳисобланади. Армен Багдасаров етакчилигидаги дуюдчиларимиз ҳам фақат медал учун курашяпти.

Биз асрнинг сўнгги олимпиадасида нафақат боксчиларимиз ёки дуюдчиларимиздан, балки юртимиз шарафини учун курашяётган ҳар бир спортчидан умиддоримиз. Олимпиадада энг сара, қўли, маҳоратли спортчилар жамланган экан, ким гўлиб бўлишини башорат қилиш ноўрин. Зеро, олимпиада иштирокчиси, деган номнинг ўзини бошқа қўлга мусобақалардаги совриқдан ҳам афзалдир.

Зоҳир ТОШҚУЖАЕВ (ЎзА).

ҒАЛАБА ЙЎЛИ ОСОНМАС

Жамоа шартномалари қандай бажарилмоқда?

Жорий йил учун қабул қилинган жамоа шартномаларининг бажарилишини таҳлил этиш шунинг кўрсатишдаки, тасарруфимиздаги мажбуриятларни бажаришда қўлдан келгача ҳар қандай ҳиссадорлик билан ишлатилмоқда. Бу борада тизимдаги бир неча корхонада ибратли ишлар амалга оширилди.

18 миллион сўмдан ортик, кимё корхонаси 40980,9 минг сўм, нефт маҳсулотлари корхонаси 4438,7 минг сўм, «Агрокимётаъминот» давлат ҳиссадорлик бирлашмасида 1 миллион 613 минг сўм сарфланди.

Жамоа шартномаларида кўзда тутилган мажбуриятлардан келиб чиққан ҳолда турли хил маданий-оммавий, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Шунингдек, кўп болали

Андижон вилоятида давлатга пахта сотиш шартномавий мажбуриятларини бажарган хўжаликлар сони ошиб бормоқда.

ХИРМОН ЮКСАЛМОҚДА

Вилоятнинг Андижон тумани миришкорлари 18 минг 174 тонналик, яъни режадагидан 200 тонна кўп хирмон кўтаришди. Туманда ўртача ҳосилдорлик гектаридан 29,3 центнерни ташкил этди. Далаларда ҳали ҳосил мўл бўлганлиги босиб мўллар яна 3 600 тонна пахта териб олишни мўлжалламоқда.

Туманимиз деҳқонлари ҳамisha меҳнатда ташаббускорлардан бўлиб келган, - деди Андижон тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Абдували Боласозов. - Туманда Тешабой Мирзаев, Иброҳим Бақиров, Ҳасанчи Аҳмедов, Усмонжон Норқулов, Владимир Пугачевский каби таниқли пахтакорлар меҳнат қилишган. Уларнинг аъналарини юқори ҳосил усталари бўлиб етишган пахтакорлар давом эттиришмоқда.

Туманда Б.Сатторов бошқараётган Бақиров номидаги ширкат хўжалиги бир неча йилдан буюн етакчилиги кўлдан бермай келаётди. Мазкур хўжалик туманда биринчи бўлиб давлатга пахта сотиш шартнома режасини бажарди. Шунингдек, А.Қўлдошев, И.Рўзиматов, А.Ҳолиқов раҳбарлигидаги бригадалар хўжаликдаги энг яхши жамоалар деб топилди. «Ҳақиқат», Б.Омонот номидаги, «Ўзбекистон», «Гулистон» хўжаликлари ҳам белгиланган маррага яқинлашмоқда.

ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ҚИСҚАРТИРИЛГАН ИШ ҲАФТАСИ

Жумладан, меҳнат жамоаларида уруш ва меҳнат фахрийлари, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, ишчи-хизматчиларни туширик овқат пули ҳамда қишқи мавсум учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи, шунингдек, ёш болали аёллар, корхона, ташкилотларда меҳнат таътилига чиқаётган ходимлар, ишлаётган нафақахўрлар, юбилей ёшлари нишонлаётганларни моддий рағбатлантириш тадбирлари ҳам одат тусига кирган. Ана шундай мақсадлар учун «Самарқандгеология» ташкилоти 41215,0 минг сўм, Самарқанд электр тармоқлари идораси 8421,3 минг сўм, «Агрокимётаъминот» давлат ҳиссадорлик бирлашмаси 787,5 минг сўм, 48-меҳамланма касаба уюшма кўмитаси 1 миллион сўмдан ортик маблағ ажратди.

ва кам таъминланган 720 оилага хўжаликлар бошқаруви ҳисобидан 2100000 сўм, касаба уюшма бюджетининг ҳисобидан 513,6 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Тармоқ корхоналарида ишловчи ноғирон фарзандлари бор оилаларга ҳам ёрдам ташкил этилган.

Тармоқ корхоналарида ишловчи нафақат ишчи ёки ходим, шу билан бирга она ва оила бекаси ҳамдир. Шунингдек олган «Самарқандгеология» корхонаси ҳамда «Агрокимётаъминот» бирлашмаси бўлинмаларида ишлаётган аёлларга ойлик маоши сақланган ҳолда қисқартирилган иш ҳафтаси жорий этилган.

Ҳар йилгидек бу йил ҳам болаларни ёз мавсумида соғломлаштиришга жиддий эътибор берилди. Тармоқ тизимидаги «Еш геолог», «Семурғ» ҳамда санаторий-профилакторий қошидаги кундузги оромгоҳда 1000 нафардан ортик бола дам олиб, даволанди. Кам таъминотли оилаларнинг 580 нафар фарзандига йўлланмалар бепул тақсимланди.

Хуллас, жамоа шартномалари аксарияти шартларининг амалийлигига эришаётганимиз ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва ишловчиларга яратиб берилаётган шарт-шароитларни янада яхшилашга хизмат қилаётди.

Ж.Йўлдошев,
Самарқанд вилояти ёқилги-энергетика, геология ва кимё саноти ходимлари касаба уюшма кўмитаси раиси.

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ — ОЛИЙ САОДАТ

РЕСПУБЛИКАМИЗДА «АЁЛЛАРНИ ИЖТИМОЙ МОСЛАШТИРИШ» МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

Ҳар қандай давлатнинг қудрати ва салоҳияти Аёлга муносабати билан ўлчанади. Мустақил Ватанимизнинг илк фармон қонунлари Аёлга — Онага эътиром ҳурматдан бошланганлиги бежиз эмас. Бунинг хотин-қизларимизнинг аини дамларда ҳар томонлама муҳофазаланганлиги, оналик ва болалик давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигидан ҳам билса бўлади.

Ҳаётнинг оғир зарбасига учраб, тушкунликка тушган аёлларда яшашга рағбат уйғотилади, уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди. Бунинг учун марказимизга тажрибали руҳшунослар,



Республикада хотин-қизлар аҳолини яхшилашга қаратилган дастурни бевосита амалга оширишга қаратилган давлат тузилмаси ташкил этилгани, «Соғлом авлод учун» жағрамаси, «Тадбиркор аёллар», «Аёл ва саломатлик», «Иқтисодчи ва тадбиркор аёл», «Хуқуқшунос аёл» уюшмалари, «Аёл ва жамият» институти каби кўплаб нодавлат ташкилотларининг юзага келиши хотин-қизлар фаолиятига янги-янги саҳифалар очдики, буларнинг барчаси аёллар қобилиятини ривожлантириш учун чексиз имкониятлар бермоқда.

Яқинда пойтахтимизда фаолиятини бошлаган «Аёлларни ижтимоий мослаштириш» Маркази ана шундай уюшмалардан биридир. Мухбиримиз уюшманинг мақсади ва вазифалари, келгусида амалга оширадиган фаолият дастури ҳақида «Аёлларни ижтимоий мослаштириш» Маркази раиси Нигора МАДИЕВА билан суҳбатлашди. — Ер юзидеги барча гўзалликлар аёлга бўлган муҳаббат туфай-

ли яралган экан. Марказимизнинг ташкил этилиши ҳам аслида оламнинг гули, эзгулик йўли, жамият кўзгуси ҳисобланган аёлларга меҳр-муҳаббат рамзидир. «Аёлларни ижтимоий мослаштириш» маркази тенг ҳуқуқлилик, ошқоралик ва демократия асосидаги нодавлат, нотижорат ташкилотдир. Ушбу марказ Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг бевосита қўллаб-қувватлаши ва немиш биродарларимизнинг кўмаги билан дастлаб пойтахтда иш бошлади. Келгусида бундай марказлар Фарғона, Термиш, Чирчиқ, Нукус, Навоий, Гулистон шаҳарларида ҳам очилади.

Марказимизнинг асосий мақсади аввало, кам таъминланган, меҳр-муруватга ташна хотин-қизларга руҳий, маънавий ва моддий кўмак бериш, шунингдек, уларнинг турмуш тарзини яхшилаш, ҳаётларига ёруғлик киритишдан иборат. Аввало давлат идоралари ва жамоатчилик бирлашмалари билан биргаликда тезкор ижтимоий хизмат ва ёрдамга ўта муҳтож хотин-қизларга хизмат кўрсатилади.

Ҳаётда онаси ила сирлашмаган ўғил, хотини билан маслаҳатлашмаган эр, она-сингилларининг сўзини олмаган ака-ука камдан-кам учрайди. Аёلسиз эракнинг ҳаётида маъно, яшашда ҳаловат йўқ. Аммо қийин-қистовли онларда, ҳақсизлик ва адолатсизликка, меҳрсизлигига лоқайдликка дуч келган, турмушдан безган, турли ҳуқуқий идоралардан ўз ҳақларини ундиролмай аро йўлда қолган ҳолларда улар кимга мурожаат этадилар?! Биз ана шундай савол-

А. КОДИРОВА.

ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Янгийўл туман соғлиқни сақлаш бўлими ходимлари меҳнат жамоаларида тез-тез бўлиб, кўпчиликини қизиқтирган масалалар юзасидан суҳбатлар уюштирмоқдалар. Жумладан, «Соғлом фарзанд-соғлом оилада дунёга келади» мавзусидаги чиқишларнинг нафи катта бўлаётти. Аини пайтда шифокорлар аёлларни тиббий кўриқдан ўтказиб, уларга тегишли маслаҳатлар бермоқдалар. Эътиборлиси шуки, туманда дунёга келган ҳар 10 та чақалонда битта тиббиёт ходими бириктириб қўйилган. Болаларни касалликка чалинишининг олдини олиш тадбирлари вақтида амалга оширилади.

Кам таъминланган оиладаги оналарга моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Масалан, 49 нафар ҳомиладор аёл ва ёш болали оналарга дори-дармон ва бошқа керакли воситалар ажратилди. 30 ўринли шоишлик тиббий хизмат кўрсатиш марказининг фойдаланишга топширилиши оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим рол ўйнайди.

А. КАРИМОВ.

Когон — Бухоронинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутди. Бу ерда ўнлаб йирик корхоналар жойлашган. Меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси бўлмиш касаба уюшмалари уларда фаолият юритаётган ишловчилар манфаатларини ҳимоя қилиш, унумли ишлаб, яхши дам олишлари учун шарт-шароит яратиш юзасидан муайян ишларни амалга оширмоқдалар. Бироқ айрим ерларда боқимандалик кайфияти, иқтисодий қийинчиликларни рўқча қилиш, изланиш, омилиқорлик йўқлиги оқибатида ишда бурчишига эришилмапти.

Бу ижтимоий сугурта бадалларидан қарздорлик миқдорининг ошиб боришида ҳам яққол кўзга ташланмоқда. 2 фоизли кўчирма маблағларнинг маълум қисми тежала бошланди-ю муаммо янада кўпайди. Бошлангич ташкилотларни қўя, турайлик. Ҳатто туман кўмитаси ҳам кейинги пайтда йўлланма сўраб мурожаат этаётган касаба уюшма аъзоларининг истакларини қондиришини уйдасидан чиқа олмаяпти.

Туман кўмитасидан олинган маълумотларга кўра агросаноат мажмуида 1999 йилги ижтимоий сугурта бадалларидан қарздорлик 17 миллион сўмни ташкил этади. Бу дегани ҳар бирининг қиймати 60 минг сўмдан бўлганда 283 та йўлланма дегани. Демак, туман қишлоқ хўжалик ходимлари ана шу имкониятдан маҳрум бўлишган.

Жорий йилнинг биринчи ярмидаги манзарага эътиборни қаратайлик. Бадалларни қўчиришдаги ўзибўларчилик қимматга тушди. Олти ойда қарздорлик 12,5 миллион сўмдан ошиб кетди. Оқибатда тегишли миқдордаги йўлланмаларни олиш, меҳнаткашларни ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш масалаларида қўтилмаган қийинчиликлар юзага келди.

Агар ўтган йилнинг биринчи ярмида туман кўмитаси 40 нафардан ошмиқ тармоқ меҳнатчиларини сиҳаттоҳларга йўллаган бўлса, жорий йилнинг шу даврида уларнинг сони икки ҳиссасига камайди. Соғломлаштириш масканларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга сарфланганидан маблағ-

ларнинг ҳам баракаси бўлмади. Йўлланмаларга эҳтибж охиб борапти. Бунинг туман кўмитасига мурожаат қилаётганлар рўйхатидан ҳам билса бўлади.

Шаҳар чеккасидаги қўмита бизнесида раис Қаландар Чориев билан суҳбатлашиб ўтирибмиз. Олтидаги ёзувга кўз қирини ташладик.

«Бухоро вилоят «Амубухороканалқурилиши» бошқармасига қарашли Когондаги 1-кўчма механизациялашган жамланманнинг пайвандловчиси Сўбхон Ҳусеновга жавоб хати: ...Сиз ёзган аризага асосан «Зангюта», «Тошкент минерал суви» сиҳаттоҳларига йўлланмаларни 2000 йилнинг 1-ярмида ололганимиз йўқ. Шу босидан талабнингизни қондирилмади.

Аризангизни инобатга олган ҳолда айтилган сиҳаттоҳларга йўлланма келиши билан маълум қиламиз. Сизнинг ташкилотингиз ижтимоий сугурта бадаллари ҳисобидан катта миқдорда қарздор. Шу сабабли биз йўлланма ололмай турибмиз...»

Мана шу жавоб хатининг ўзи ҳам умумий ишга баҳо бериб турибди.

— Қаландар ака, вазиятдан қутилишнинг чораларини излаясизларми? — сўраймиз раисдан.

— Албатта. Бу ҳақда ҳокимликка, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига бир неча талабно-малар билан чиқдик. Ҳатто банкларнинг маъмуриятларига ҳам мурожаатномаларимиз бор. Аммо, ҳозирча уларнинг натижаси қутилгандек бўлмапти.


— Айнан қайси жамоаларда қарздорлик ошиб борапти? — Рўйхатнинг бошида

ҳамон 1-кўчма механизациялашган жамланма турибди. Ташкилот йил бошидан буюн ижтимоий сугурта тўлови учун бир сўм ҳам қўчирма олгани йўқ. Касабақўм бу ҳолат олдида қўл қовуштириб турибди. Ҳар икки гапнинг биринида бажарилган иш унумли бўлиши, биз нима қилайлик, деб туриб олишди, азаматлар.

Куйикмозор темир-бетон ускуналари заводига ҳам хотиржамлик кайфияти ҳукмон. Завод маъмурияти сугурта бадалларидан 758435 сўм қарзи борлигини яхши билади. Аммо тўлов интизомига риоя этиш негадир ёддан қўтарилди. «Олтин тала» ҳиссадорлик жамиятида ҳам сўз ва иш бирлиги таъминланмапти. Қарздорликнинг салмокчи қисми шу жамоа ҳиссасига тўғри келяпти. «Бухоропарранда», «Когондон»,

«Нур» жамоа корхоналаридан улар ўрناق олишса яхши бўларди. Меҳнаткашларни соғломлаштириш ва уларнинг кўнглидагидек дам олишларини ташкил этиш касаба уюшмаларининг асосий вазифаларидан бири эканлиги Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси III курултойида алоҳида уқтириб ўтилди. Бу — курултой ҳужжатларидан келиб чиққан ҳолда тузилган ҳаққат дастурининг ҳам таркибий қисми саналади. Мақсадга эришмоқ учун боқимандалик кайфиятидан халос бўлиш, иқтисодиётни юксалтириш омилларидан унумли фойдаланиш лозим. Зеро, бу бозор шароитининг қатъий талабидир.

Усмон НАВРЎЗ,
«Ишонч» муҳбири.



ЎСМАТЧИЛАР ҒАЙРАТИ

Баҳмал туман маркази Ўснат шаҳарчасидаги «Ўснат» гишт ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти 1992 йилдан буюн фаолият кўрсатмоқда. Қисқа вақт мобайнида бу ерда ибратли ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда мазкур жамоада қунига 25-30 минг гишт ишлаб чиқарилмоқда.

Ҳиссадорлик жамияти Жиззах агроқурилиш ҳиссадорлик жамияти томонидан қурилаётган иншоотларни гишт билан мунтазам таъминлаётди. Шунингдек, вилоятдаги бошқа қурилишларда ҳам шу жамиятнинг маҳсулотлари фойдаланилмоқда. Гишт таркибида темир моддаси борлиги сабабли чидамли ва сифатлидир.

Суратда: ҳиссадорлик жамияти сергайрат ишчиси Музаффар Пирназаров. Б.ТЎРАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

ЯНА БИР ҚЎШМА КОРХОНА

Яқинда Қосон ёғ-экстракция ҳиссадорлик жамияти қошида қўшма корхона иш бошлади. Польшалик ишбилармонлар ҳамкорлигида бунёд этилган бу sanoat корхонасида ўсимлик мойи полиэтилен идишларда қадоқлаб қўйилмоқда. Маҳсулот ўзининг сифатлиги билан мутахассислар эътиборини тортди. Мухими қўшимча ишчи ўринлари яратилди. Эндиликда ўзимизнинг йигит ва қизлар замонавий технологияни бошқаришмоқда.

Дастлабки харидоригр маҳсулот савдо шаҳобчаларига чиқарилди. Х.ПИРИМКУЛОВ.

Саволларга Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг Бош ҳуқуқшуноси Карим Мухторов жавоб беради

1. Болали аёлларга нафақа тўлаш ва уларга қонларда белги-ланган имтиёзлар тўғрисида маълумот берсангиз.

М. Комилова, Деҳқонобод тумани. Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 234-моддаси ва 8 июл 1998 йилда Ўзбекистон Меҳнат ва Молия вазирликлари томонидан тасдиқланган Низомга мувофиқ ҳомиладорлик ва туғиш таътили туганидан кейин аёлни ҳошияга кўра, унга боласи икки ёшга тўлгунча қадар болани парваришлаш учун таътил берилди ва бу даврда тўлиқ бўлмаган иш вақти режимида ёки иш берувчи билан келишиб уйда ишласалар, нафақа олиш ҳуқуқлари сақланиб қолади. Агар бир ва ундан ортқ ставкада бу даврда ишласа нафақа олмайд.

2. Болали аёлларнинг (3 ёшгача) иш вақти ва (1-2 ёшгача) дам олиш вақти бўйича имтиёзлар тўғрисида батафсил тушунча берсангиз.

Қ.Рўзимов, Хоразм вилояти, Гурлан тумани. Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг 14 апрел 1999 йилдаги Қонунига асосан у ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёлларга иш вақти тўлиқ сақланган ҳолда ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган қисқартирилган иш вақти белгиланган.

Кўпчиликда кўрсатиб ўтилган аёллар учун иш вақти ҳафтасига бир соатга қисқартирилган деган фикр бор. Албатта бу нотўғри. Масалан, Меҳнат Кодексининг 115-моддасига биноан ходим учун иш вақтининг нормал мuddати ҳафтасига қирқ соатдан ошмаслиги керак. Қонунчиликда айрим ходимларга ўттиз олти соатлик иш вақти белгиланган. Бир ҳолатда ходим 4 соат, иккинчи ҳолатда эса 1 соатга кам ишлайди.

Кўрсатиб ўтилган Қонунни тўлиқ бажарилиши учун ҳар бир муассасада уч ёшгача боласи бор бўлиб ишлаётган аёлларни исми, фамилиялари ва қисқартирилган иш вақтасининг мuddати кўрсатилган ҳолда буйруқ чиқарилиши керак. Бу буйруқ билан буйруқда кўрсатилган ходими, иш вақти табелларини олиб борувчи ходим ҳамда иш ҳақини белгилайдиган ҳисобчи имзо чекириб, таништирилиши ва уларга Қонуннинг мазмунини тушунтирилиши лозим.

М. Комилова, Деҳқонобод тумани. Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг 14 апрел 1999 йилдаги Қонунига асосан у ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёлларга иш вақти тўлиқ сақланган ҳолда ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган қисқартирилган иш вақти белгиланган.

232-моддасига асосан ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга ҳар йили уч кундан кам бўлмаган мuddат билан ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилди. Бу қўшимча таътининг мuddати жамоа шартномасида ҳар бир муассасада ўз имкониятларини ҳисобга олган ҳолда уч кундан ортқ қилиб ҳам белгилаши мумкин.

Шуни ёдда тутиш керакки, бу қўшимча таътининг кейинги йилга ўтказилишига йўл қўйилмайди. Шу сабабли муассасада ўн икки ёшгача ёки 16 ёшгача ногирон боласи бор аёлларнинг рўйхати тузилган бўлиб, унда болаларнинг туғилган кунин, оий ҳафтада йили кўрсатилган бўлиши шарт. Бу рўйхат ходимлар билан ишлайдиган бўлимда сақланади ҳамда рўйхатдаги ходимларга меҳнат таътили берилганда бу қўшимча таътил қўшиб ҳисобланади.

Бундан ташқари, ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга уларнинг хошияга кўра, ҳар йили ўн тўрт календар кундан кам бўлмаган мuddатга иш ҳақи сақланмайдиган таътил берилди. Бундай таътил меҳнат таътилига қўшиб берилиши ёки иш берувчи билан келишилган ҳолда бошқа вақтда ҳамда қисмларга бўлиб фойдаланилиши мумкин. Бу таътил ҳам кейинги йилга ўтказилишига йўл қўйилмайди.

Меҳнат Кодексининг 229-моддасига мувофиқ ҳомиладор аёлнинг, ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлнинг, шу жумладан, ҳомилийдаги кўрсатиб ўтилган боласи бор аёлнинг ёки оиланинг бетоб аъзосини парвариш қилиш билан банд бўлган шахнинг илтимосига кўра, иш берувчи тиббий ҳулосага мувофиқ уларга тўлиқсиз иш кунини ёки тўлиқсиз иш вақтаси белгиланган мажбурият бор. Бунда Меҳнат Кодексининг 119-моддасига асосан тўлиқсиз иш вақтида ишлаган аёлнинг йиллик асосий меҳнат таътилининг мuddатини, меҳнат стажини ҳисоблаш ҳамда бошқа меҳнат ҳуқуқларини чеклашга асос бўлмайди ва ишлаган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўланади. Демак, агар ходим ҳар кунги саккиз соат ўрнига тўрт соатдан ишласа, фақат тўрт соат ишлаган вақти учун ҳақ олади.

3. Тиббиёт ходимлари учун белгиланган иш вақти ҳақида тушунча бериб ўтсангиз.

Қ.Сулаймонов, Буюккўл тумани. Жавоб: Меҳнат Кодексининг 118-моддасида юқори

даражадаги ҳис-ҳаяжон, ақлий зўриқиш, асаб танглиги билан боғлиқ, яъни алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги айрим тоифадаги ходимлар учун (тиббиёт ходимлари, педагоглар ва бошқалар) иш вақтининг мuddати ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган қилиб белгиланган эди. Лекин «тиббиёт ходимлари, педагоглар ва бошқалар» сўзлари тиббиёт ходимларига ҳафтасига ўттиз олти соатлик иш вақти ўрнатилишида кўп мунозараларга сабаб бўлди. Шу сабабли Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси бу саволга аниқлик киритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига мурожаат қилди. Конституциявий суд бу масалани кўриб чиқиб, 1998 йил 12 мартда тиббиёт ходимлари учун иш вақти ҳафтасига 36 соатдан ортиқ кетмаслиги тўғрисида қарор чиқарди. Тиббиёт ходимларига тўлиқ иш вақти сақланган ҳолда ҳафтасига 36 соатлик иш вақти белгиланганлиги тўғрисида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1998 йил 24 мартдаги 131-сон буйруғи ҳам бор.

Ҳар бир иш берувчи ходимларни қонунларда белгиланган иш вақтидан ортқ ишга жалб қилиш Меҳнат Кодексининг 124-моддасига биноан иш вақтидан ташқари иш деб белгилалиши ҳамда Меҳнат Кодексининг 157-моддасига мувофиқ бундай ишлар учун камида икки ҳисса микро-рида ҳақ тўланиши кераклигини, 228-моддада кўрсатиб ўтилган аёлларни иш вақтидан ташқари ишларга жалб қилиниши тақиқланганлигини ёдларидан чиқармасликлар зарур.

4. Пенсия тайинлашда ва тўлиқ пенсия олишда аёлларга берилган имтиёзлар ҳақида батафсил тушунча берсангиз.

С.Қодиров, Бухоро шаҳри. Жавоб: 1999 йилгача Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ аёллар эллик беш ёшдан ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга эди. Ўзбекистон Республикасининг 14 апрел 1999 йилдаги Қонунига асосан аёлларга эллик тўрт ёшдан пенсия олиш ҳуқуқи берилди, яъни пенсия ёши бир йилга камайтирилди.

1999 йил 17 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони қабул қилинган бўлиб, бу Фармонга биноан 1999 йилнинг 1 июлидан бошлаб, аёллар ёшга доир пенсияга чиқ-

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

Ишонча наф келтириш

ОЛТИ ВАҚТ

қандан кейин ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари, провизорлар, ногирон болаларнинг интернат уйларида, «Меҳрибонлик» уйларида тарбиячилар, шунингдек, кутубхоначилар сифатида ишлагани давом эттираётган ва пенсияга чиқши олдиндан мазкур мутахассисликлар бўйича камида ўн йил стажга эга бўлган ҳолларда уларнинг пенсияни тўлиқ миқдорда олиш ҳуқуқи сақлаб қолинади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва Ижтимоий таъминот вазирликлари томонидан 5 ноябр 1999 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 17 мартдаги Фармонига асосан иш-лаб чиқилган тартибга мувофиқ пенсияларни тўлиқ миқдорда тўлаш қайси касбларда ишлаган аёлларга ҳам жорий қилиниши тўғрисида Тушунтириш хати қабул қилинди. Булар қуйидагилардир:

1. Урта ва кичик тиббиёт ходимларига:
 - тиш шифокорлари;
 - санитар авиацияси, санитар маорифи ва тиббий статистика фельдшерлари;
 - санитар фельдшер — эпидемиолог, паразитолог, санитар шифокорларнинг ёрдамчилари;
 - клиника, биохимия, бактериология, радиология, санитар-гигиена лабораторияларининг фельдшер-лаборантлари (лаборантлар);
 - морфологик тадқиқот (ўрганиш) билан банд бўлган фельдшер-лаборантлар.

2. Провизорларга:
 - провизор-бошлиқлар;
 - провизор-бошлиқ ўринбосарлари;
 - провизор-бўлим бошлиқлари;
 - провизор-бўлим бошлиғи ўринбосарлари;
 - провизор-технологлар;
 - провизор-аналитиклар.

3. Кутубхоначиларга:
 - катта кутубхоначилар;
 - шатта бирлигида бир ходим кўзда тутилган кутубхоналарнинг кутубхона бошлиғи вазифасини бажарувчилар;
 - катта библиографчилар.

Пенсия тайинлашдаги бу тартиблар ҳарча муассасалар учун мажбурийдир.

(Боши ўтган сонларда)
1-параграф. Танаффуслар, дам олиш ва байрам кунлари

126-модда. Дам олиш вақти тушунчаси
Дам олиш вақти — ходим меҳнат вазифаларини бажаришдан холи бўлган ва бундан у ўз ихтиёрига кўра фойдаланиши мумкин бўлган вақтдир.

127-модда. Иш кунини (смена) давомидидаги танаффуслар
Ходимга иш кунини (смена) давомидида дам олиш ва оқатлашиш учун танаффус берилиши керак, бу танаффус иш вақтига киритилмайди.

129-модда. Дам олиш кунлари
Барча ходимларга дам олиш кунлари (ҳар ҳафталик узлуксиз дам олиш) берилди.

Беш кунлик иш ҳафтасида ходимларга ҳафтада икки дам олиш кунини, олти кунлик иш ҳафтасида эса, бир дам олиш кунини берилди.

Умумий дам олиш кунини яқинбадир.

олиш имкониятини таъминлаш шарт. Бундай ишларнинг рўйхати, оқатлашиш тартиби ва жойини меҳнат тартиби қоидаларида белгилаб қўйилди.

Меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан иш кунини (смена) давомидида бошқа танаффуслар ҳам белгилаб қўйилиши мумкин.

128-модда. Кундалик дам олиш вақтининг мuddати
Ишнинг тугаши билан кейинги кунини (смена) иш бошланishi ўртасидаги кундалик дам олиш вақтининг мuddати ўн икки соатдан кам бўлиши мумкин эмас.

131-модда. Байрам (ишланмайдиган) кунлари
Қуйидаги кунлар байрам (ишланмайдиган) кунларидир:

- 1 январь — Янги йил;
- 8 март — Хотин-қизлар кунини;
- 21 март — Наврўз байрами;
- 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунини;
- 1 сентябр — Мустақиллик кунини;
- 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кунини;
- 8 декабр — Конституция кунини;
- Рўза ҳайит (Ийд ал-Фитр) диний байрамнинг биринчи

ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ

130-модда. Дам олиш кунларида ишга жалб этишнинг чекланиши

Дам олиш кунларида ишлатиш тақиқланади. Иш берувчининг фармойиши бўйича айрим ходимларни дам олиш кунлари ишга жалб этишга алоҳида ҳоллардагина, агар у тузилмаган бўлса, — иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланган асослар бўйича ва тартибда йўл қўйилади.

Ходимларни улар дам оладиган кунлари ишга жалб этиш ушбу Кодекснинг 220-моддаси бешинчи қисмида ва 228, 245-моддаларида белгиланган чеклашларга риоя этган ҳолда амалга оширилади.

Дам олиш кунларида бажаришган иш учун компенсация ва ҳақ тўлаш ушбу Кодекснинг 157-моддасига биноан амалга оширилади.

131-модда. Байрам (ишланмайдиган) кунлари
Қуйидаги кунлар байрам (ишланмайдиган) кунларидир:

- 1 январь — Янги йил;
- 8 март — Хотин-қизлар кунини;
- 21 март — Наврўз байрами;
- 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунини;
- 1 сентябр — Мустақиллик кунини;
- 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кунини;
- 8 декабр — Конституция кунини;
- Рўза ҳайит (Ийд ал-Фитр) диний байрамнинг биринчи

куни;
Курбон ҳайит (Ийд ал-Адха) диний байрамнинг биринчи кунини.


(Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабр, 1999 йил 15 апрел Қонунлари тахририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 1997 йил, 2-сон, 65-модда).

132-модда. Байрам (ишланмайдиган) кунлари ишга жалб этишнинг чекланиши

Байрам (ишланмайдиган) кунлари ишга жалб этилади. Ходимларни шу кунлари иш берувчининг фармойиши билан ишга жалб этишга алоҳида ҳоллардагина ушбу Кодекснинг 130-моддасида назарда тутилган асослар бўйича ва тартибда йўл қўйилади.

Ишлаб чиқариш-техника шартлолари ва бошқа шартлоларга (узлуксиз ишлайдиган корхоналар, объектларни қўриқлаш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш кабиларга) кўра ишни тўхтатиб туриш мумкин бўлмаган жойларда, аҳолига хизмат кўрсатиш зарурати бўлган ишларда, шунингдек, кечиктириб бўлмайдиган таъмирлаш ва юк ортиш-тушириш ишларида байрам (ишланмайдиган) кунлари ишлагани йўл қўйилади.

Байрам (ишланмайдиган) кунлари бажаришган ишлар учун компенсация ва ҳақ тўлаш ушбу Кодекснинг 157-моддасига мувофиқ амалга оширилади.



МАСТ ҲАЙДОВЧИДАН САҚЛАСИН

Йўл тасодифларга тўла. Ҳар кун манзил томон оидмалаётган автотранспорт воситалари кишилар узоғини яқин, оғирини енгил қилади. Бу эса ўз на-вбатда ДАН ходимлари зиммасига катта масъуляти юклайди.

Шахрисабз — Қашқадарё вилоятида аҳолиси зич жойлашган туманлардан бири. Ана шу хулуддан ўтувчи халқро аҳамиятга эга бўлган автомобил йўллари мавжуд. Бир кеча-кундузда бу ердан камида 5-6 минг автотранспорт воситаси ҳаракатланади.

Айни пайтда туман ички ишлар бўлими Давлат автомобил назорати тизимида 20 нафардан ортқ ходимлар ўз хизмат постларида доимо ҳушёр ту-

риб, йўл транспорт ходисаларини олдини олиш бўйича бир мунча ишларни амалга ошираётган.

— Туманимиздаги 9 та автоҳўжалик, корхона ва жамоа ширкат ҳўжалик-

ларидидаги ҳайдовчилар ўртасида йўл транспорт ходисаларининг олдини олиш бўйича ўтказилган тадбирлар ижобий натижа бермоқда,— дейди ДАНБ катта нозирини, милиция капитани Илхом Умаров. — Шунингдек, вилоят миқёсида ўтказилган «Диққат, пиёда» тадбирида фаол иштирок этган ходимларимиз жойларда бўлиб, турли мавзуларда сўхбатлар ўтказдилар.

Бундай тадбирлар ҳайдовчилар ҳушёрлигини

бирмунча оширган бўлса-да, лекин пиёдалар томонидан йўл қоидасини бузиш ҳолатлари қайд этилмоқда. Бу эса нафақат ҳайдовчиларга, балки пиёдаларнинг ҳаётига ҳам катта

хавф туғдириши тайин. Масалан, тумандаги Тенпар қишлоғида Зафар Омонов бошқарувидаги «Урал» русумли 51-86 КФА давлат рақамли мотоцикл ҳаракатига берилган бўлганлиги боис 3 ёшли Зуфар Бозоров йўлни кесиб ўтганида транспорт воситасига урилиб шифохонада ҳаётдан кўз юмди. Бундай мисолни яна келтириш мумкин.

Баян ҳайдовчилар томонидан спиртли ичимликлар истеъмол

хавф туғдириши тайин. Масалан, тумандаги Тенпар қишлоғида Зафар Омонов бошқарувидаги «Урал» русумли 51-86 КФА давлат рақамли мотоцикл ҳаракатига берилган бўлганлиги боис 3 ёшли Зуфар Бозоров йўлни кесиб ўтганида транспорт воситасига урилиб шифохонада ҳаётдан кўз юмди. Бундай мисолни яна келтириш мумкин.

Баян ҳайдовчилар томонидан спиртли ичимликлар истеъмол


қилиб автотранспорт воситасини бошқараётганлар нафақат ўзларини, ўзгалар ҳаётини ҳам хавф остига қўядилар. Шухрат Исломов «Камолот» ёшлар жамоасига раҳбарлик қилади. Бирок бошқарувида бўлган ВАЗ 21-01 русумли В. 80-91 КФ давлат рақамли автотранспорт воситасини спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда бошқариб келаётганида ДАН ходимлари томонидан тўхтатиб қолинди.

«Соҳибкор» ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари Қосимжон Худойкулов ҳам бошқарувида бўлган ВАЗ 21-011 русумли 79-93 КФН давлат номерли автотранспорт воситасини спиртли ичимлик истеъмол қилганлиги маълум бўлди.

Кўза кунда эмас, кунда синди, деган гап бор. Шундай экан, ҳайдовчилар ҳар доим ҳамма жойда ҳушёрликни бой бермасликлари лозим. Шундагина ўзгалар ва ўзгалар ҳаётини хавфдан холи қилган бўладилар.

Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» мухбири. Суратда: милиция капитани Илхом Умаров.

OLANDA NI MA GAR



КУДДУС. Бу ерда Исроил билан Фаластин ўртасида навбатдаги музокара бошланди. АҚШ вакиллари иштирокида ўтаётган мазкур учрашувда Куддус шаҳрининг мақоми, Исроил қамқононаларидаги фаластинлик маҳбۇсларни озод қилиш ва қочқинлар муаммоси, шунингдек, яқиний тинчлик битимини имзолаш борасида ўтказилаётган олий даражадаги музокараларни давом эттириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинмоқда.

БОГОТА. Колумбия армияси исёнчи тўдалар томонидан тутқунда сақланаётган одамларни озод қилиш мақсадида ҳарбий операция ўтказди. Колумбия инқилобий қуроли кучлари жангариларнинг лагерларидан бирига ҳужум қилиниб, 17 киши озод этилди.

Мамлакат полицияси маълумотига қараганда, Колумбияда жорий йилнинг ўзида икки мингдан ортқ киши ўғирлаб кетилган.

ЖАКАРТА. Олтинчи сентябр кунини Фарбий Тиморда БМТнинг уч нафар ходими ўлдирилган эди. Индонезия ҳукумати бу ишда Австралия томонини айблади. Мамлакат мудофаа вазири Махфуд Махмуднинг айтишича, Индонезия ҳарбийлари ушбу жиноятда Австралия махсус хизматининг қўли борлигини тасдиқловчи маълумотларга эга.

ВАШИНГТОН. 27 сентябр кунини Нью-Йоркда АҚШ ҳамда Шимолий Корея расмий вакиллари ўртасида навбатдаги музокара бошланади.

Учрашув бошланishiга оз вақт қолган эса-да, томонлар ҳамон бир-бирига талаблар қўйишдан тўхтагани йўқ. АҚШ КХДРдан ракета дастурини тўхтатишни, расмий Пхеньян Оқ уйдан Шимолий Кореяни террорчиларни қўллаб-қувватловчи давлатлар рўйхатидан ўчиришни талаб қилмоқда. Зотан бўлажак музокараларда ҳам асосан шу масалалар муҳокама қилиниши керак.

жуманиннинг қолдирилиш сабаби ҳозирча маълум эмас.

ЛОНДОН. Бу ерда Буюк Британия ва Россия Бош вазирлари Тони Блэр ҳамда Михаил Касянов ўртасида музокара бўлиб ўтди. Унда, асосан, икки давлат ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

М.Касянов музокарадан сўнг журналистлар билан учрашиб, Т.Блэр жорий йил охиригача Москвага сафар қилишини билдирди. Унга Буюк Британиянинг қўллаб-қувватловлари ҳамроҳлик қилади, деди Россия Бош вазирини.

Истиқлол гулдастаси

ЎЗБЕКИСТОНДА ТУФИЛГАНМАН

Темур Убайдулло журналистикани шеърятга қўшиб фаолият кўрсатаётган иктидорли ижодкорлардан. Унинг турли мавзулардаги шеърлари жамланган ўнта китоби ўз ўқувчиларини топган. Айни пайтда шоир азиз она-юртимизни мадҳ этувчи туркум шеърлар устида ишламоқда. Куйида улардан айримлари эътиборингизга ҳавола этилаётир.

Менинг меҳрим қуёш, Юрагим уммон, Туғилиб оташга йўғрилганим-чун. Қайнаб яшагайман дўстлар, ҳар қачон, Шижоатга тўлиб, интилиб бутун: Ўзбекистонда туғилганман!

Поёнсиз чўлларга тегса обғим, Гуллаиди ўша он, обод бўлади, Муқаддас бир сўзни айтганим чоғи, Анвои гулчечак яшнаб кулади: Ўзбекистонда туғилганман!

Соқов музликларга боқаман бир зум, Кўм-кўк муз кимларга ахир ёқади? Бир оғиз сўз айтсам, тикканча кўзим, Музликлар сув бўлиб оқади: Ўзбекистонда туғилганман!

Жўралар, етса ҳам қазои даврон, Орангизда ҳар дам қайнаб жўш ургум, Бир сўз айтсангиз бас, мен ўша он, Тирилиб даврага тагин қўшилгум: Ўзбекистонда туғилганман!

ҚАЛБИМДА ЖАҲОН

Сайёҳ дەر: Қандай юрт айт, Ўзбекистон? Қани, таърифини айлагил баён? Сенга айтажам: Кўларимга боқ, Нималар кўрдинг кўзимда, ўртоқ? Кўзингда қуёш бор нузли, чарогон.

Ўша қуёшнинг номи Ўзбекистон!

Томиримни ушла, Нима сизнинг ўртоқ? Муҳаббат оқмоқда гупириб шу чоқ



Оламдаги бор ишқ қурганми ошён!

Ўша муҳаббатнинг номи Ўзбекистон!

Юрагимга қара, Қалбимда не бор? Қалбингдан таралар оқ нур беғубор. Қалбингда кўрдим бир чаноқ пахта, Бир чаноқ пахтаки жо бўлган жаҳон. Ўша жаҳоннинг номи Ўзбекистон!

СЕНИ ЎЙЛАДИМ

Туғилган чоғимда сени ўйладим. Онамнинг гулхандек иссиқ бағри деб. Меҳрини шимириб ўсиб улгайдим, Мен сени ўйладим онам меҳри деб.

Тургун танбуридан таралган наво, Юракдан берилган илиқ салом деб, Ойбекнинг кўзида порлаган зиё, Дилида мавж урган эзгу калом деб.

Меҳнатдан топганда шавкат ҳамда шон, Мен сени ўйладим олтин хирмон деб, Эгатлар оралаб излаган имкон, Ҳам танти, ҳам дўлвор бободехқон деб.

Мен нима ўйласам баридан буюк, Тенги йўк, бахти бут сендайин эл кам. Ҳар қадамда сени ардоқлаб, суйиб, Кашф этиб келяпман муқаддас ўлкам.

Мен англаб етдимки барча эзгулик, Дилимдаги барча олий армоним, Кутлуг нарса борки ипга тизгулик, Бари сен экансан Ўзбекистоним!

ЭЗГУ ТИЛАГИМ

Энг аввало дилдан шукроналар айтсин, Ўзбекистонни ким яхши кўрса. Тошга ўйиб битсин табаррук байтин, Ўзбекистонни ким яхши кўрса.

Танлаган тоза йўлини кўрсатсин, Кумридек сайроқ тилини кўрсатсин. Сўнгра қадоқ қўлини кўрсатсин, Ўзбекистонни ким яхши кўрса.

Аму бўлиб оқиб борсин Оролга, Қуёшдек жон берсин ҳар навихолга. Яланг тўшин тутсин довул, шамолга, Ўзбекистонни ким яхши кўрса.

Ҳаёти истиқлолга бойлансин, Юскак парвозларга бугун шайлансин. Бир тулпар бўлиб гўзага айлансин, Ўзбекистонни ким яхши кўрса.

ЎЗБЕК АСКАРИ

Шу Ватан унга қолганин мерос, Ҳар лаҳзада билар ўзбек аскари. Улгайиб кун сайин шу туйғуга мос, Куч-қувватга тўлар ўзбек аскари.

Кўш-ла баробар очар кўзини, Ватан деб бошлайди ҳар бир сўзини. Сарҳаддан узмайди зийрак кўзини, Ҳар вақт зарбли бўлар ўзбек аскари.

Қадамин ташлайди гурс-гурс уриб, Шараф топар азиз юртини кўриб. Ҳар тонг мустақил юрт байроғин кўриб, Қувончдан барқ урар ўзбек аскари.

Ватан саждагоҳ қаби муқаддас, Азиздир ундаги ҳатто хору-хас, Фидойилик ила ҳар дам, ҳар нафас, Халқ тузини оқлар ўзбек аскари.

Темур УБАЙДУЛЛО:



ПАХТАКОРГА ҲАММА МАДАДКОР

Бу йил Олтиариқда пахта йили бўляпти. Мўл ҳосилни тез ва соз йиғиб олиш ишига ҳамма сафарбар. Маданият ходимлари эса уларнинг дам олиш дақиқалари мароқли ўтишига камарбаста. Туман маданият бўлими қошидаги «Зи-лола» халқ дастаси санъаткорлари чиқишларидан пахтақору ҳашарчилар бағоят мамнун бўлишяпти. Мароқли куй

ва қўшиқлар уларнинг кучига куч, гайратига гайрат қўшяпти.

Суратда: дастаннинг хушовоз хофиз Солижон Маматов ва даста иштирокчилари Мухторжон Эминов, Равшанжон Алижонлар пахтақорлар ҳузурида.

Б.ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.


УСТОЗУ ШОГИРДЛАР УЧРАШУВИ

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги Й.Охунбобоев номи 45-ўрта мактабда ушбу илм масканини бундан ярим аср илгари тугатган собиқ синфдошларнинг бугунги ўқувчилар — ёш авлод билан учрашуви ўтказилди. Собиқ ўқувчилар нафақат бир-бирлари билан, балки устозлари — ўша йиллардаги илмий бўлим мудири Қобил ота Муҳамедов, бошланғич синф ўқитувчиси Аҳмад ота Ҳусанов, математика ўқитувчиси Ғуломназир ота Жўраевлар билан ҳам дийдорлашиб, ўқувчилик йилларини эсладилар.

Учрашувда мактабнинг собиқ ўқувчилари - халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов, Зокирхон Ҳўжаев, Тўхтамурод Икромов, Воҳид Каримов, Ҳамид Муҳамедов, Абдужаббор Йўлдошев, Самигжон Фодиржонлар ҳаётнинг пасту баланди, оқу қорасини танитиб, сабоқ берган устозларига дил изҳорларини баён этиб, ўзбекиона одатимизга кўра тўн кийдирдилар.

— Бугунги тадбир биз таълим-тарбия бераётган мана шу қора кўзлар - келажакимиз эгалари бўлган янги авлод вакиллари учун гоёат катта тарбиявий аҳамиятга эгадир, - деди мактаб раҳбари Дилдора Орипова. — Чунки, отахону онахонларнинг ҳаёт ва ижод йўлларидаги тажрибалари, ибратли турмуш тарзлари, кўрган биланларидан ҳаётий ҳикоялари фарзандларимизни миллий руҳда, ватанпарварлик гоёлари асосида тарбиялашда, катта аҳамиятга эгадир.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА, «Ишонч» мухбири.



САМИМИЯТ — ОЛИЖАНОБ ФАЗИЛАТ

Хушмуомалалик, мулойимлик — Узаро муроса-мадора қилишдир. Кимки хушмуомала бўлса, камол топади.

КОШИФИЙ.

Бақирш — адолат ва куч белгиси деганлар адашади.

В. ШЕКСПИР.

Ҳар ишда яхшидир юмшоқ сўзласанг, яхшимас бошдан жанжал кўзласанг.

А. ФИРДАВСИЙ.

Хушмуомалалик бизга энг арзонга тушадиган, лекин одамлар томонидан ҳамма нарсдан кам қадрланадиган фазилатдир.

С. СЕРВАНТЕС.

Самимият инсоннинг энг олижаноб фазилатларидан биридир. Ҳақиқатан ҳам, у инсоннинг табиатдаги мавқеига муносибдир.

Т. ҚОРИ-НИЁЗИЙ.


Яхши одам сўз маъносин англайди, Ёмон одам бузук сўзни тинглайди.

Нодон одам асло сўзга кирмайди, Менинг кўнглим вайрон бўлур халқ учун.

Б. БЕРДАҚ.

Жаҳл аҳли била кимки улфат бўлғай, Ул улфати ичра юз минг офат бўлғай.

А. НАВОИЙ.



Тоғ талабгорлари

МАРОҶИ

Унинг шахмат фаолияти галати бўлган эди. Ёши ўтиб, олтимилларга борганда шахмат профессионали бўлади.

Мароқининг шахмат амалиёти бобида узоқ давом этувчи танлашулар юз берди: 1909 йилдан 1920 йилгача у деярли ўйнамади. Ҳатто энг юқори муваффақиятларга эришган даврида ҳам ўзини иккига — шахмат билан муҳандислик фаолиятига бўлишга мажбур бўлган эди. Ҳар сафарги турнирда қатнашуви ишдаги қийинчиликлар билан боғлиқ бўлар эди. Унинг Ласкер билан жаҳон биринчилиги учун матч ҳақидаги музокаралари муваффақиятсиз тугади: азалий маблағ масаласи ўтиб бўлмас тўсқин бўлди.

Ҳаётда бошқа ёққа бурилиб кетмаслик учун шахматни жуда севиш, улкан оптимист бўлиш керак.

Гега Мароци 1870 йилнинг 3 мартда Сегедада туғилди. Шахмат билан 15 ёшида танишди. Лекин унга бир неча йилдан сўнг Цюрих политехникумида ўқиб юрган қоғларига жиддий қизиқиб қолди.


Дастлабки турнир тажрибасига Будапештдаги клуб мусобақаларида эришди. Халқаро майдонда Мароци бирдан ўзини манаман деб кўрсатди-қўйди. У 1895 йили Гастингсдаги ёрдамчи турнирда қатнашиб, дадил биринчи ўринни эгаллади. Ушандак бу камтар ва вазмин йигит юскак «шахмат муҳандислиги» сифатларини намойиш қилган эди. Унинг ўйинлари бир маромда давом этиши, позицияни нафис идрок қилиши билан ажралиб турар, галабалари яхши тайёрланган ва уйланган бўларди. Кейинчалик бу сифатларга химояланмишдаги юскак маҳорат, эндишпилларни, айнисса, фарзанди ўйин охириларини қойилмақом тарзда ниҳоятга етказиш ҳам қўшилиди.

Келаси йилги кучли Нюр-

нберг турнирида қўлга киритилган иккинчи соврин янги шахмат юлдузи пайдо бўлганлигига шубҳа қолдирмади. Тўғри, навбатдаги иккита мусобақада бу юлдуз унчалик ярқираб кўринмади, лекин 1899 йилдан Мароци мусобақаларда ажиб турғунлик билан иштирок эта бошлади. У Вена (1899-1900 ва 1908), Монте-Карло (1903), Остенде (1906), Карлсбадда (1907) совринли ўринларни эгаллайди.

Унинг ўйини энг юқори баҳо олади. Мароци энг аввало позициявий тарзда курашишни эътиради. Бу усул унинг осойишта, бошиқ феълига мос келади. Унинг устунлики галабагача олиб бориш санъатини бир кўрсангиз эди, айни вақтда Мароцининг партиаларида чиройли комбинациялар, дадил ҳужумлар ҳам учраб турарди.

Венгриялик гротмейстер шахмат кучини жуда узоқ асраган эди. Йигирманича ва ҳатто ўттизинчи йилларда ҳам у улкан галабаларга эришган ҳамда жаҳоннинг энг кучли шахматчилари учун жуда хавфли рақиб бўлган.



Мажон МУХИТДИНОВ.


У чинакамга жаҳонгашта бўлиб, Голландияга, Англия, Қўшма Штатларда яшаган ва тақдир уни қаёққа олиб бориб ташлаамасин, доимо ўзининг севилими Венгрияси соғинчи билан яшарди. 1927 йил Мароци ватанига қайтиб келади. Энг яхши даврлари, афсуски, ортда қолиб кетган эди. Бирок унинг шахмат фаолияти асло сусаймайди. Турнирларда қатнашадиган, маърузалар ўқийди, бир йўла ўйин севанлари беради.

Мароци ўзининг кўп йиллик шахматчилик фаолиятида 57 та халқаро турнирда иштирок этиб, улардан 12 тасида биринчи ўринларни эгаллади ёки баҳам кўрди. Яна 20 тасида совриндорлар сафида бўлди. Венгриялик шахматчи бу мусобақаларда 1006 партия ўйнаб, шундан 409 тасини ютди, 404 тасини дуранг қилди ва 193 тасини бой берди.

Мароци талантли педагог ҳам эди. У ўқиган маърузалар ҳамма тинловчиларда қизиқиш уйғотарди. Биринчи жаҳон чемпиони Вера Менчикнинг шахмат талантини ўстиришда у озмунча хизмат қилмади. Унинг ижобий таъсиридан Макс Эйве ҳам шахсан баҳраманд бўлган эди.

Г.Мароци катта адабий мерос — 20 га яқин китоб қолдирди. Мароцининг шахмат назариясига қўшган хиссаси жуда улкандир. Унинг номи билан аталувчи тизим — 1. e4 c5. 2. Kf3 e6. 3. o4 cd. 4. Kd4 Kf6. 5. Kc3 d6. 6. Se2 Ke7. 7. o-o Se7. 8. Kp1 ҳамда партиянинг яқинловчи босқинчидаги оригинал тадқиқотларни эслаш кифоя. Лекин Мароцининг шахмат санъатининг олтин фондида кирган ажойиб партиалари энг катта ёдгорликдир. Атоқли венгриялик шахматчи 1951 йил 28 майда Будапештда вафот этди.

МАРОҚЛИ МАШҚЛАР Иккала топширқда юриш қоралардан. Сиз қандай уйнаган бўлар эдингиз?



Муствақилликка эришганимиздан кейингина миллий қадриятларимизни тиклаш, шонли тарихимизни терең идрок этишга имконият туғилди. Бир қатор давлатларнинг ман-ман деган олимлари бош қотириб, ечимини тополмай турган бир пайтда бизнинг юртдошларимиз билан ва маҳоратлари, илмий салоҳиятларини ишга солиб жаҳон электрон телевидениеси таррақийтининг аниқ йўлини кўрсатиб бердилар ва уни амалда исботлашга муваффақ бўлдилар.

1928 йилда Ўзбекистон фўкарolari Б.Грабовский ҳамда И.Белянскийлар жаҳонда биринчи бўлиб ҳаракат қилаётган тасвири бир жойдан иккинчи жойга узатишга муваффақ бўлдилар.

Уларнинг ихтироси ҳозирги замон электрон телевидениесини ўзида муҳассамлаштирган дунё микёсида ишга тушган биринчи телевизор эди. Мазкур кашфиётга ихтиролар ҳақидаги Халқаро конвенцияга мувофиқ иккита патент берилган. Собиқ шўро иттифоқи Фан ва техника давлат қўмитаси, Радиоэлектроника давлат қўмитаси, Фанлар Академиясида Тошкент ихтироси ҳақидаги масала кўриб чиқилиб, эътироф этилган ва унга юқори баҳо берилган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халқаро шўъбаси ЮНЕСКО ҳамда радио-техника ва электроника

БУЮК КАШФИЁТ

бўйича Халқаро матбуот уюшмаси мазкур кашфиётни жаҳон телевидениеси тарақийтига қўшилган йирик ҳисса деб таъкидлаганлар.

Ўзбекистон марказий давлат архивида ихтирога оид 700 дан ортиқ муҳим ҳужжатлар сақланмоқда. ЮНЕСКОда ҳамда Республикамиз Марказий давлат архивида ихтироларнинг шахсий фондлари очилган.

шаънини улугловчи муҳим илмий-техникавий, тарихий аҳамиятга эга воқеа эканлигини эътиборга олиб, Республикамиз Фанлар Академияси ихтирога оид ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, шу йил 4 май куни тегишли қарор қабул қилди.

Фанлар Академияси ҳайъат мажлисининг «Б.П.Грабовский, В.И. Попов, Н.Г.Пискунов ва И.Ф.Белянскийларнинг электрон телевидение ривожидидаги хизматларини тан олиш тўғрисида»ги қарориде жумладан шундай дейилади: «Б.П.Грабовский ва И.Ф.Белянскийларнинг 1928 йилда Тошкентда

олиб борган тадқиқотлари телевидение ривожига маълум ижобий ҳисса қўшганлиги тан олинсин. Узатувчи ва қабул қилувчи станцияларда электрон нур мосламаларини қўллаш мумкинлиги биринчи бор исботланди. Бу эса ўз навбатида бутун дунё телевидениеси ривожига қўшилган ҳисса бўлиб, Ўзбекистоннинг бу соҳадаги устунлиги тан олиншини таъминлайди».

Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасида ҳам электрон телевидение ихтиросига оид ҳужжатлар чиқилмоқда. Халқимиз ифтихор қилса арзиғулик тарихий кашфиёт оид иккита китобни нашрга тайёрлаш учун грант ажратилди. Шу давлат ташкилоти ташаббуси ва билан

Анвар КАРИМОВ, тарих фанлари номзоди.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ
Тахрир хайъати: Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилмас: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерда терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Ўлчам А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Умумий аҳди 14.002 нусха. Сотишда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаханаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилади 22.45